

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 188 (7. 277)



1990 йил 20 август, душанба

Баҳоси 3 тийин.

Тонгги рўзномаларда

- «Мамлакат тарихидаги довозни муносиб босиб ўтайлик» — ана шу сарлавҳа остида Урғоч М. С. Горбачевнинг Одесса ҳарбий округида сузлаган нутқи берилган.
- СССР Министрлар Кенгашининг Раисы Н. И. Рыжковнинг Рязань областа бўлишга, РСФСР Олий Советининг Раисы Б. Н. Ельциннинг Кузбасс дистрикта бўлишга доир, Арманштон Компартияси Марказий Комитети ва Литва Коммунистик партияси (КПСС) Марказий Комитети пленуларига доир расмий хабарлар эълон қилинган.
- «Правда» рўзномасининг биринчи ва бешинчи саҳифаларида КПСС Марказий Комитетининг котиби В. М. Фалин билан суҳбат берилган.
- Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, меҳнаткашларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, спорт хабарлари билан танишингиз мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиди

17 август куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Р. А. Попов раислигида Марказий Комитетининг иккинчи-иқтисодий сибас масалалари комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи пленуми тасдиқлаган комиссия аъзолари, шунингдек, жумҳурият бир қанча министрилик ва идоралари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг котиблари қатнашди.

Жумҳурият халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича кичик комиссиялар тўғрисида, уларнинг раҳбарлари тасдиқланди.

Комиссиянинг шу йил охиригача бўлган иш режалари муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Кейинги мажлисларда 1991 йил Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва иктымий ривожлантириш Давлат ва Давлат бюджетининг лойиҳалари тўғрисидаги, бозор муносабатлари шароитида аҳолини иктымий ҳўйма қилиш тадбирлари ҳақидаги; жумҳурият вилоятлари сановатини ривожлантиришнинг аҳоли ва шу хўсулдаги тақдирлар тўғрисидаги масалалари, шунингдек, бошқа долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ ҳўжалик давлат кооператив комитети билан Совдот министриликнинг раҳбар комитетлари ҳўжасизликка қарши кураш борасида олиб бораётган ишлар тўғрисидаги масала тингилди ва муҳокама қилинди. Қўлгина корхоналар, ҳўжаликлар ва ташкилотларда ҳўжасизликни таг-туғи билан тугатиш ишлари олиб борилаётганига қарамай, ҳали ҳам социалистик мулкни ўғирлаш ҳўлларига йўл қўйлаётганлиги, товар-моддий бойликлар етишмай қолаётганлиги ва бузилаётганлиги таъкидланди.

Жумҳурият қишлоқ ҳўжалик давлат кооператив комитети раисининг биринчи муовини В. Г. Размаев ҳамда Ўзбекистон ССР совдот министриликнинг биринчи муовини К. Н. Комиссаровнинг ҳўжасизликка қарши курашда қўрилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотлари тингилди. Бўлиб ўтган музокараларни ҳўсбога олиб, давлат иттизомини мустаҳкамлаш, умумхалқ бойлигига авайлаб муносабатда бўлиш, давлат ва жамоат мулкига турли йўللار билан тажовуз қилишга қарши курашни кўчатириш юзасидан қатъий чоралар мажмуини режалаштириш ва уни амалга ошириш тавсия этилди.

Шу куни кичик комиссияларнинг мажлиси бўлди. Умумий иқтисодий муаммолар кичик комиссиясида Ўзбекистон ССР Давлат план комитети билан Меҳнат ва иқтисодий масалалар давлат комитети раҳбарларининг бозор муносабатлари шароитида жумҳурият аҳолисини иктымий ҳўйма қилишга доир тақдирларни таъбирлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингилди. Жумҳурият, Қўрақалпоғистон АССР ҳамда вилоятларнинг ўзига хос хўсуслари ҳўсбога олиниган турли ишланмалар ҳамда Иттифоқ идораларининг ишланмалари юзасидан ишларни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди. Ишлар тугалланганидан сўнг ушбу масалани комиссия муҳокама қилишга қарор қилинди.

Сановатни ривожлантириш масалалари кичик комиссиясида Тўлимжон ГРЭСи ва Фарғона механика заводиди кадрларнинг жойдан-жойга қўчиш масалалари кўриб чиқилди. Қўчиш жараёнининг ана шу ва жумҳуриятимиздаги бошқа корхоналар жамоаларининг ишлаш лавҳасига салбий таъсир қўрсатаётганлиги уқтирилди. Маскув масалани ўрганиши давом эттиришга ва шу йилнинг тўғртинчи кварталдида таъдирлар ишлаб чиқиш учун уни муҳокама қилишга қарор берилди.

Транспорт, алоқа ва уй-ҳўй-коммунал ҳўжалик кичик комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР уй-ҳўй-коммунал ҳўжалик министри В. К. Михайловнинг жумҳурият қишлоқ аҳолисини иқтисодий сўв ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга доир Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони билан бажариш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингилди. Бу йил рўбга чиқарилаётган тадбирлар марказлашган сўв таъминоти ишлари ҳўжамини ўтган йилга нисбатан яқин баравар ва газ таъминоти ҳўжамини бир ярим баравар қўпайтириш имконини беради.

Сентябрь ойида бошқа кичик комиссиялар мажлисини ўтказиш назарда тутилган.

КПСС XXVIII съезди: партияни янгилаш йўлидан

ФАОЛЛИК — ЯХШИ ХИСЛАТ

КПСС XXVIII съезди мамлакат учун қийин бир даврга, гоёт мураккаб иқтисодий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятда ўтди. Ўқир иқтисодий ва иллатлараро можаарола жамиятимизни мушкул аҳволга солиб қўйди. Съезд ана шу қийин, ҳамма-ни тўқилантираётган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилди ва ана шу долзарб муаммоларни ҳал этишди коммунистлар бугун ҳар қачонгидан ҳам фаоллик кўрсатишлари кераклигини таъкидлади. Бу борада партиянинг жанговар кекса авлоди намуна кўрсатишга ишонч билдирилди. Бизнинг кекса коммунист, шахримиздаги асосий заводнинг ветеран ишчиси Жаббор Назаров билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

Бир нарсани комил ишонч билан айтиш мумкин, агар коммунистлар томонидан олиб борилаётган тарғибот, мафкуравий иш иқтисодиётда, иқтисодий соҳада яхшилик томон аниқ силжишлар билан мустаҳкамланмас экан, партия амалда ўзининг авангардлик ролини йўқотиб қўйди. Жумҳуриятимиз раҳбарияти бунга яхши англаган ҳолда иш қўйди. Бу борада дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Бошланғич мактаб ўқувчиларини бепул овқатлантириш, нафақа пулларини ошириш, жамиятимиз фаоллари бўлган аёлларга, айниқса кўп болали оналарга кўрсатилаётган ғамхўрлик, олий ўқув юрталарида ўқийётган талабаларга янги таърибда нафақалар тўлаишининг жорий этилиши каби иқтисодий ишларни қайд қилиб ўтиш жоиз. Очирини айтганда, жумҳуриятимизда инсон омилига жуда катта эътибор берилётганини ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз.

Лекин очир-ойдин таъкидланаётганидек ҳали олдимизда муҳим ва ўта долзарб муаммолар ҳам бор. Уларни бартараф этиш ҳаммамиз ҳалол меҳнатига ва кўч-ғайратига боғлиқ. Яширишга на ҳўжасиз, ҳозир бизда оз ишлаб, кўп талаб қўлувчилар сонини орттириб қўйди. Ҳўш, бунга қандай тушунуш керак? «Этиб еса тоғ ҳам чидамайди», дейди халқимиз. Демак, ҳар бир киши аввал эл-юрт кейин ўз аҳтижини ўйлаб астойдил пешона терисини тўқмас экан, тақдирлиги тилғик давом этверари.

КПСС XXVIII съезди қарорларини амалга ошириш албатта бу яхши ният. Аммо ҳар бир яхши ниятни рўбга чиқариш учун аввало, олдимизда турган муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади. Шундай экан, ўз-ўзидан ҳўш, бу муаммолар нималардан иборат, деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу биринчидан, партиянинг ташкилий қўрилиши, демократик централизм, партия иқтисодий масаласидир.

Туриб-туриб беихтиёр ўйлаиб қолсан киши. Нега, узоқ йиллар тилларда ва дилларда достон бўлиб келган партияимиз ҳозирга келиб инкирозини бошдан кечираётми? Нега ҳамма ерда, ҳар бир ишда пешқадам бўлган коммунистлар ўртасида тушқун кайфият пайдо бўлапти. Ахир ота-боболаримиз Ватанимиз ва халқимиз бошига оғир мусибат тушган кезларда жанг майдонларида партия номи билан мардона туришмаганми? Шу ном билан қўлга қурол олиб ўт-оловлар ичиди душманга қирон келтиришмаганми? Ахир партия дея не-не ишларини қилмади. Менимча, маъмурий-бўйруқболик системасининг таркиб топиши бу парокандаликларнинг бош сабабчиси бўлди. Устига-устак баъзи мансабдор коммунистларнинг ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иш тутишлари, халқни алдаш, по-рахўрлик, қўйи табақаларни менсимаслик, қўйиники, коммунистларга хос бўлмаган барча иллатлар омида партияга ишончсизлик руҳини тугдирди.

Яна бир гап. Албатта, ҳар бир даврнинг ўзига яраша долзарб вазифалари бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳозир халқлар ўртасиди дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамма нарсадан ҳам зарурдир. Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керак. Агар тинчлик-тотувлик бўлмас мақсад ва режаларимиз амалга ошиши қийин. Шунинг учун ҳам одамлар: «Ҳаммамиз яхши яшашни хоҳлаймиз, бунинг учун эса энг аввало осийиш-та, самарали меҳнат қилишга ундайдиган хотиржамлик бўлиши керак» дейишмоқда. Ҳўш, шундай экан, кўпчиликни тўқилантираётган нуриди умидларга соя ташламоқчи бўлаётганлар кимлар ахир? Ҳеч шўбҳасиз улар бугунги ўзгаришлар кўнглига ёқмаётган, шахсий манфаатларини ўйлаб иш тутатган кимсалар. Улар ҳамма нарсадан миш-мишлар тарқатишни, ҳаётимизни беаҳорлаштиришни афзал қўришади. Энг ачинарлиси, гўё улар шу билан ўзларини «Халқнинг жонқуялари» қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Аммо омманинг кўзи кўр эмас.

Мен кекса коммунист сифатида шунини айтмоқчиманки, ҳар қандай муаммони хотиржамлик билан бамаслаҳат, адолат юзасидан ҳал этиш бўлади. Энди ўзим меҳнат қилаётган корхонамиз ҳақида икки оғиз сўз. Бизда турли миллат вакиллари хизмат қилишади. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад, бир маслак йўлида жон куйдиришапти. У ҳам бўлса узоқ йиллар синовидан ўтган халқлар дўстлигига заррача доғ туширмаслик. Аҳлилик ва ҳамжиҳатлик эса ўз самарасини кўрсатмоқда. Корхонамиз йилдан-йилга бойиб маҳсулотлар сифати яхшиланиб бормоқда. Ойлик маошимиз ҳам шунга яраша бўлапти.

Хуллас, КПСС XXVIII съезди биз, коммунистлар қатори ҳамма фуқаролар олдида ҳам қатор муҳим вазифалар қўйдики, уни изчиллик билан амалга ошириш барчамиздан кўч-қувват ва сабр-матонат билан ишлашни талаб этади.

Суҳбатдош М. КОМИЛДЖОНОВ.



Акмал Икромов райони: ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХУШХАБАРЛАР

СИФАТЛИ ВА ЧИРОЙЛИ

А. КАРИМОВ.

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори.

БИРЛАШМАМИЗНИНГ асосий ишчи кучини хотин-қизлар ташкил этади. Улар томонидан аёллар учун ҳар хил кўрinishдаги кўйлақлар билан бирга янги турғилан чақалоқлар учун комплектлар, болаларнинг яқин кийимлари каби ўндан-ўртча маҳсулот турлари тайёрланади. Шу йилнинг етти йили ичиди план бўйича «Янгилик» индекси билан аёлларнинг 68 минг сўмлик ўйлақлари ишлаб чиқаришни керак эди. Бу план 18 минг сўм қилиб адо

этилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳар хил халат ва кўйлақларидан 254 минг сўмлик ишлаб чиқарилди. Хуллас, етти ойлик план 54 минг сўм орғини билан адо этилди. Эзмимадаги топириқини сифатли ва ўз вақтида бажаришда С. Муротова, М. Рўзиматов, М. Олимхўнаева каби илгорларимиз пешқадамлик қилишмоқда. Мақсадимиз — халққа замонавий тикланган сифатли ва чиройли кийим-кечакларни етказиб беришдир.



УИ БЕКАЛАРИГА МАНЗУР БУЛАДИ. Акмал Икромов райондаги йилги корхоналардан бири — жиҳозлар ва дастгоҳсозлик синов таъриб-механика заводининг пешқадам йилгўчиси Гулпошпа Расулова.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

— ЕТТИ ойлик план ҳақида гапирсак биз уни барча кўрсаткичлар бўйича орғин билан адо эдик. Ҳамшаҳарларимиз дастурхона бирлашмаси томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг 40 фоизи етказиб берилади. Бу 1 миллион сўми ташкил этади. Қолган маҳсулотларимиз эса жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларига юборилади.

И. ШЕРЕМЕТЦСКАЯ, Нон-қандолат ишлаб чиқариш комбинати директори.

Янги йил бошидан бери ўш битта янги хилдаги нон-қандолатлар тайёрлади. Йил охирига қадар яна туртгага қўпайтириш ниятидамыз. Янгида Италиядан ранг-баранг маҳсулотлар тайёрлаб берадиган жиҳоз олдик. Ҳадемай, бу янги ускуна ўрнатилади. Ана шундан кейин чиқараётган нон-қандолатларимиз сифати ва хили янада ортти, харидорлар кўнглини хушнуд этамиз.

Визда ўз ишчи яхши эгаллаган мутахассислар кўпчилигини ташкил этади. Соҳамиз бўйича ўтган йили жумҳуриятимиз пойтахтида ўтказилган танловда қандолатчимиз У. Убайдуллаев биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу йил ҳам ана шундай шарафли ўринлардан бирини эгаллаш учун ҳозир астойдил меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари биз А. Исаева, С. Сафаргалыева каби барчага ўрнатилган илгорларимиз билан фахрланамиз.



КўЗЛАРИ ЙУЛДА. Райондаги 2512-автоколонанинг илгор ҳайдовчиси Т. Қариев суратлари.

Мактаб ва боғчалар

И. ЭРГАШЕВ, халқ таълими бўлимининг мудирини. — ЯНГИ ўқув йилининг бошланғичи ҳам санокли қўнлар қолди. 1 сентябрь куни 5217 ўринли учта мактаб бинолари ўқувчилар иғтиёрига топширилади. Райондаги 30-мавзеда — 175 ўринли, 31-мавзеда — 2215 ўринли ва Ўрикзор даҳасида 1251 ўринли замонавий билим ўчоқлари иш қўйилди. ВУГУН Вешқайрағоч даҳасининг «Тақачи» маҳалла-

сидаги 123-мактабда ўқувчилар учун мўлжалланган 540 ўринли қўнчимча мактаб биноси қўрилди бошлаб юборилди. Бу бино январь ойида фойдаланишга топширилади. 30-мавзеда жойлашган янги мактабда ўқитувчиларини ишга олишга ўзига хос танлов ўтказилди. Бунда 30 ўқитувчи голиб чиқиб, ана шу мактабда ишлайдиган бўлади. Бу йилдан бошлаб районимиздаги 106, 295-мактабларнинг 9, 10, 11-синфларида Тошкент политехника институтининг физика, математика ўқитувчилари дарс беришади. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг ана шу фанига муаммал эгаллашлари учун замин яратади.

Ёқут кўзли тақинчоқлар

У. РАСУЛОВ, заргарчилик заводи директорининг ўрнисосари.

БУЮМЛАРИМИЗГА бўлган талаб орттиб бормоқда. Шунинг учун ҳам корхонамизда ташкил этилган янги ёқут бўлимида маҳсулотларнинг янги хилларини ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. А. Ганиев бошлик бригада азаматларининг ғайрат тўғрисида бу йил фақат ёқутдан тайёрланган буюмларнинг ўндан 30 миллион сўмлик тайёрланади. Келаси йил эса яна 10 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Ҳозир савдо шохобчалари билан шартнома туздик.

Корхонамизнинг ярим йиллик плани 12 миллион сўми ташкил этади. Биз олти ой ичиди бу планини ҳам орғини билан адо эдик. Бунга ҳам ана шу ёқут бўлимининг ишга туширилиши асосий омил бўлди. Келажикда асосий цехлардан бирита айлантириладиган ёқут бўлимида тайёрланаётган буюмлар ранг-баранг ва нафислиги билан одамни лол қолдиради. Бунда С. Алиев, А. Иванов каби ўз ишини жуда мукамал эгаллаган ёқутчиларнинг хизмати катта бўлмоқда.


Манзилингиз яқин бўлсин

М. ЛЕВИН, Тошкент шаҳар пассажир транспорти бирлашмасининг 2-автокомбинат директори.

— ҲАР КУНИ корхонамиз дарвозасидан аэроз ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларимиз хизматига 842 та таксиманасини чиқариб, бу «Волга» машиналари бир кунда йўловчиларга 40 минг сўмлик хизмат қилиб қайтмоқда. Шаҳар Советининг депутати С. Турсунов ва илгор ҳайдовчилардан Р. Мингалев, М. Шокиров каби пешқадамлар бир неча ойдан бери келаси йил ҳисобига ишлашмоқда. Шу йилнинг иккинчи квартал якунига қўра коржо-

намиз бирлашмасининг кўч-дарвозасидан аэроз ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларимиз хизматига 842 та таксиманасини чиқариб, бу «Волга» машиналари бир кунда йўловчиларга 40 минг сўмлик хизмат қилиб қайтмоқда. Шаҳар Советининг депутати С. Турсунов ва илгор ҳайдовчилардан Р. Мингалев, М. Шокиров каби пешқадамлар бир неча ойдан бери келаси йил ҳисобига ишлашмоқда. Шу йилнинг иккинчи квартал якунига қўра коржо-

20 августдан 26 августгача



Об-ҳаво ва саломатлик. Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларига кўра шу ҳафта мўйинада жумҳуриятимиз ҳудудида ёнғинчилик бўлмади, иссиқ кунлар сақланиб туради. Ҳафтанинг бошларидаги тоғли районларда момқалди-

роқ бўлиб, қисқа муддатли ёнғир ёғиши эҳтимоли бор. Ҳафта мўйинада шарқдан секундага 7—12 метр тезлик билан шомол эсиб туради. Ҳарорат кечаси 15—20, кундузи 30—35 даража бўлади. Ҳафтанинг охирига келиб ҳароратнинг 2—4 даража кўтарилиши кутулади. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати

кўп йиллик нормага яқин бўлади. Н. А. Семашко номиди сифат-саломатлигини тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдин олмиш тарқатиш мутахассисларининг фикрига қараганда, шу ҳафтанинг иккинчи ярмидаги

иқлим шароитлари нисбатан ноҳуш бўлади. Ҳароратнинг кўтарилиши, ҳаво таркибиди кислород миқдорининг кемайиши, қуруқчилик сурункали кичирод етишмовчилиги, юрдининг ишемик хасталиги, ўпка-нафас олиш аъзоларининг сурункали хасталиги, бош миё қан-томиларининг хасталиги бўлган беморларнинг аҳоли оғирлашши мумкин. Шу тоифадаги беморларга

чинқиш муолажаларини давом эттириш тавсия қилинди. Сихат-саломатлигининг мазаси бўлмаган кишиларга кундуз соат 12 дан селкин орларда бўлиш, совуқ душ қабул қилиш, кечаси хонани шамоллатиш, зарур ҳолларда шифокор руҳини билан юрак фаолиятини ростловчи дори-дармонларни қабул қилиш тавсия этилади.

Райондаги мутасаддилар билан Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

ҲОЗИРГИ кунда жумхуриятда бозор иқтисодиёти муаммоларини ҳал қилиш асосий вазифадир. Бу муаммони ҳал этишга жумхуриятнинг қайси ҳудудда истиқомат қилишдан қатъий назар ҳар бир киши сийдиқидан ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жўгани кунда санаш билан тенг. Бунда умумий мулоҳаза, шнор-бозлик, дабдабозлик табиий тарзда сарҳадга сароб сингари ғойиб бўлиб кетади. Асосий мақсад бор амалий тадқиқотларни халқ фаровонлиги учун, халқ хўжалигига тадбиқ этиш учун йўналиш беришдан иборат. Бу жараён маъмурий-бўйруқбозлик давридаги сингари бўйруқ, кўрсатма, фармойиш асосида эмас, балки халқнинг бугунги ва эртанги талаби, хўжалик ва маданиятнинг дунё миқёсидаги даражасига интилиш асосида олиб борилади.

ларини амалга ошириш учун ҳам керакли маблағларни ажратеди. Ҳар бир йўналиш бўйича ташкил этилган марказ анжумани илмий, амалий, лойиҳавий йўлнамаларини эксперти таҳлил этиб, ишончли хулосага келганидан сўнггина фойдаланиш учун маблағга рўхсат беради. Ҳар бир эксперт бўлажак иш натижаси учун иш бажарувчи билан бирга тула юридик жавобгарликка эга бўлиши шарт.

Институтда ҳар бир назарий, амалий, лойиҳавий йўлнамалар бўйича ўз менеждери, маркетинг-лари бўлиши шарт. Ходимларнинг

томатлаштирилган бошқарув системаларининг моҳирлигига тўшатиб етмай, фақат бугунги кун талаби билан яшай, планни ошириб бажариш муаммоси билан қамолатлашиб келишмоқдалар. Шунинг учун асосб-ускуналарни ҳолдан тойдириб, ҳозирги замон дастгоҳларини қўйиб, бошқарувнинг асосий асосида, автоматлаштирилган участка, секторларни ташкил этиш ҳақида ўйламай, нима бўлса бўлар қабилида иш тутмоқдалар. Жойларда илм аҳлиларига ердан қўлини чўзишни, уларга мурожаат этишни тушлариди ҳам тасаввур этмайдилар,

ахборотлаштириш, автоматлаштириш, бошқариш муаммоларига худда Али-бобо горга қарагандек қарамоқдалар. Уларнинг фикрича, у ер-бу ерда компьютер, робот, манипулятор ўрнатсан, шу заҳотиёқ боши берк кўчадан чиқариладиган, Ҳисоб-китоблар шу нарсага кўрсатилади, айрим автоматик дастгоҳлар соанини кўпайтириб, фойда ўрнига оғирар кўриш ҳеч гап эмас экан. Ҳозирги замон дастгоҳлари қиммати икки мингдан бир миллион сўмгача яқинлашиб қолади. Бозор иқтисодиётига ўтганда бир миллион сўмлик дастгоҳдан ҳафтасига 4 соат фойдаланиб, бошқа вақт бўш туришига қорхонанинг ўзи йўл қўймайди.

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўсағасида

КИМ НИМАГА ҚОДИР?

маоши ва уларнинг сони иш бажарувчи раҳбар таъсирисига ва олиб бориладиган ишнинг аниқ натижасига боғлиқ бўлиши керак. Ана шундангина ҳодим ишга келгач, справна ва қозони эмас, ишни ўйлайди.

Ташкил этилувчи марказ моҳияти нимадан иборат бўлади, деган ҳақда савол туғилади.

Жумхурият Вазирилар Кенгаши қошида «Ахборотлаштириш» қўмитаси ташкил этилиб, унда экология, иқтисодиётга, маориф ва фан ишларига, иқтисодий масалаларга, соғлиқни сақлаш, омонат кассалар, магазинлардаги молиявий ҳисоб-китоб ишларига доир комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга тааллуқли ахборотларни қайта ишлаш марказлари бўлиши керак.

Чунончи АҚШда назарий йўлнамаларга бир сўм, лойиҳа ишига 10 сўм, уни ишлаб чиқаришга жорий этишга 100 сўм сарфлайдилар. Ҳа, бозор иқтисодиётига ўтиш илм қадрига етишни тақозо этишини унутмаслик керак. Автоматлаштирилган бошқарув системаси тарбия ўрнатилмаган технология жараёнлар, автоматлаштирилмаган қорхоналар бўйича орталган тош хизматини бажаради. Бунга ёқин миқдор 1987 йилда жумхурият Вазирилар кенгашида қабул этилган «Сифат» дастурини олайлик. Унга асосан 1990 йилда 1300 дан ортиқ комплекс механизациялаштирилган участка, цех, 1700 дан ортиқ комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган линиялар ва 6500 дан ортиқ арият автоматик ва автоматик дастгоҳлар ишга туширилиши керак эди.

Худди шу мулоҳазани олдидан кўриб, тўрт йил олдин юқори ташкилотларга «Энцикл автоматлаштирилган қорхоналар регионал марказини ташкил этиш бўйича таъсирнома» берган эдик. Ҳатто Тошкент вилоят партия қўмитасининг розилиги ҳам олинган эди. Бироқ амалда ушбу марказ ташкил этилишига қизиққан маъмурият юзага келгани йўқ. Марказни ташкил этишдан мақсад турли хил саноат қорхоналаридан ҳамма йўналишдаги технологик жараёнларни жамлаш ва шу технологик жараёнларга тегишли асосб-ускуна, дастгоҳ, жиҳозлардан фойдаланишни 100 фоизга етказиш ҳамда комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича эксперт таҳлиллар ўтказиш эди. Шу нарса равшанки, бир қорхонада тула фойдаланилаётган жиҳоз имконини бошқа қорхона билмай, ортиқча вақт ва харажат сарфлаб, жумхурият ёки иттифоқ бўйича уни қидириб юради. Марказдаги туладан ахборотни қайта ишлаш билан эса 3—4 киши шуғулланиши мумкин, холос.

Бундан шундай хулоса чиқарилади, бозорга, конкрет ишга, молчага ва узаро рақобатга мўлжалланган илмий бозор иқтисодиётининг асосий мазмунидир.

Албатта, бу ерда кичик илмий ҳодимлар, оз маош олувчилар учун катта молиявий муаммо пайдо бўлади. Бундан қутулишни бирдан-бир йўли улар малякасини, жаобгарлигини ошириш, «сўнғий» илмий ҳодимлар ва илмий «хаёла» раҳбарлардан ҳолис бўлидир. Ўзгаси, ким нима ишга қодир бўлса, шунинг мевасини териб ейиши даври келди.

А. МҶМНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.



© **ФАХРЛИ КАСБ ЭҒАСИ.** 3-ўйсоз — бошқарманининг пайвандчиси Шарифжон Азимов.

Ўқув йилига шаймисиз?

ДАРСЛИКЛАР КЎПАЯДИ

Ў Янги ўқув йили ҳам яқинлашмоқда. Қатор мутахассис ташкилотларини иши ниҳонда қўнайган вақт. Шу жумладан ўқув-методика маркази элчиликка ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Жумхурият ўқув-методика маркази директори Н. М. Мирқурбонов аниқ қўларда асосий эътибор нимага бериладигани ҳақида қўйидагиларни гапириб берди:

— Жумхурият ўқув-методика марказининг XIII беш йиллик режасига кўра нашр этиладиган китобларнинг умумий номи 1500 тани тақриб эди. Бу ўтган беш йилликда қўп этилган китоблар сонига нисбатан бир неча баробар кўп.

Ҳозир «Ўқитувчи» нашриётига топширилган 88 номдаги дарслик босмадан чиқди. Чоп этилган китобларнинг асосий қисми ўзбек мактаблари учун мўлжалланган. «Ўқиш китоби», «Муаллиф Ш. Иброҳимов», «Ўзбек тили» (муаллиф Х. Қосимова), «Чиройли ёзув» (муаллиф М. Ғулмомов) каби дарсликлар 2-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, тахт қилиб қўйилди. Улар дид билан безатилгани, ранг-баранг расмларга бойлиги билан илгарии нашрларидан кескин фарқ қилади. Ўнг муҳими чизилган расмлар топшириқ, машқ, масала ва турли қондаларни ўқувчи тўғри ҳамда чуқур аглаб олишига ёрдамлашади.

Шу жиҳатдан расмлар жамоаси талабларини қондириб, ўз зиммасига юкланган вазифани сийдиқидан бажаришган.

Чет тили бўйича VI—X—XI синфлар учун немис-ўзбек, француз-ўзбек дарсликларини тайёрлади. Шунингдек, олий ўқув юрталарида чет тилидан таълим беришни янада тақомиллаштириш мақсадида С. Саидов, Л. Бобоқонова, Ж. Буруновлар ёган ўқув методик қўланмалар ҳам тахт. Яқинда уларни олийгоҳларга тарқатамиз. Бундан ташқари «Умумий хиния асослари» (муаллиф Ю. Третьяков, таржимон Х. Раҳимов), «Совет хунуқи» (И. Мардонов), «Физикдан олдингида масалалари» (муаллиф М. Исмаилов) ва бошқалар, «Математика бўйича қўланмалар» (П.-қисм, Т. Азларов), «Ешлар ётоқхонасида мадания-тарбиявий ишлар» (А. Ғўметов), «Ўзбек болалар адабиётида ҳарбий-ватанпарварлик тарбия» (Я. Жумабоев), «Геогрфия дарсликлар бугунги кун талаби» (О. Мўминов), ва бошқа мавзуларга бағишланган методик адабиётлар тайёрланди, уларга муҳтож бўлган жамоаларга жўнаштириш учун рўйхатлар тузилди.

Хунар-техника билим юрталарининг рус тилида олиб бориладиган бўлимида ўзбек тилини ўрганиш учун соатлар ҳажми 35 га, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимида ўзбек тилини ўрганиш учун соатлар ҳажми 68,7 фоизга яқинлашди.

дан 378 номда 4.437 босма табоқ ҳажмдаги ўзбек тилида чоп этилади. Бу эса умумий режаданнинг 86 фоизини ташкил қилади.

Матълумки, Ўзбекистон ССР Вазирилар Кенгаши жумхуриятдаги 18 та хунар-техника билим юрталарида ўзбек тилида иш юритувчилар, секретарь-машинистлар ва стенографлар курсларини очиб бўйича қарор қабул қилган. Шунга мувофиқ Жумхурият ўқув-методика маркази Тошкент шаҳридаги 21-хунар-техника билим юрти қошида маъруз қурсларини интегратив дастурини ишлаб чиқди. Унинг афзаллиги жиҳатлари шунданки, ушбу дастур асосида турли соҳа ишчилари мукамал билим олишлари, малакаларини оширишлари мумкин.

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонунини янада яқинлаш билан амалга ошириш мақсадида эски ўзбек ёзуви ва тилини ўрганиш учун яратилган дастур, дарслик, ўқув-методик қўланма ҳамда тавсияномалар қўлэмалари устидаги ишларни бирмуножа жалдаллаштириқ. Қисқа вақт ичида бир қанча муаллифлар жамоасини тузиб, жумхуриятда мавжуд бўлган тегишли адабиётларни тўпладик. Пирик тилшунос олимларнинг иштирокида ўтказилган давра сўхбатлари, илмий-амалий конференциялар иш ҳам самарали бўлмоқда. Ваҳ, тортишув ва очик сўхбатларда фикрлар тарқалди, масала янада ойдинлашди. Натигада Р. Жумановнинг «Эски ўзбек ёзуви программаси», «Эски ўзбек ёзуви», Р. Иномжоневнинг «Араб ўзбек ёзувини ўрганиш» каби китоблар яратилди.

Шунинг алоҳида айтиб ўтмоқчимизки, ёрдамчи ва махсус мактаблар хамма диққат-эътиборимизда туради. Зеро бу олдин таълим-тарбия муассасалари эмас.

Ҳа, шундай қар соқов ва бошқа нуқсонли болаларни кўз олдинга келтиринг-а, қайта ташкил этилган жумхурият ўқув-методик маркази ҳам шу мақсадда махсус мактаблар ишнинг янада тақомиллаштириш учун биринчи марта ўзбек тилида дастур, дарслик ва методик тавсияларни тайёрлаб, жойларга тарқатди. Энди дефектолог ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг ўзига ҳос хусусиятини ва камчилигини ўз вақтида топиш, унга қараб сабдиқ ишлари режалаштиришга эришадилар.

Ҳозирги пайтда таълим — техникавий ва гуманитар мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрталарининг рус тилида олиб бориладиган бўлимида ўзбек тилини ўрганиш учун соатлар ҳажми 35 га, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимида ўзбек тилини ўрганиш учун соатлар ҳажми 68,7 фоизга яқинлашди.



© **ДАСТГОҲЛАР БИЛАН ТИЛЛАШИБ.** «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси нотўқима маҳсулотлар цехининг илгор ишчилари М. Шомансурова ва Х. Қодирова. Т. Каримов суратлари.

Меҳнат жамоаларида

Фидойилар

ЎЗБЕКИСТОН қишлоқ хўжалик машинасозлиги бирлашмасининг 3-цехида 250 киши — турли миллат вакиллари ишлашади.

Цехда соғлом муҳит яратилмас экан, муваффақият ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас, — дейди цех бошлиғи Раҳмон Отажонов. — Цехимизда асосан бошқа цехларга деталлар, эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берилади. Ойига 2 миллион сўмлик детал, эҳтиёт қисмлар етказиб беришмоқда. Режадан орқада қолсақ, бошқа цехларнинг иши тўхтаб қолади. Бирни яхши ҳис қилган ишчи-хизматчилар умумий ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳа, 7 ойлик режалар кўзда тутилгендек бўлди: турли буюртмалар ўз вақтида бажарилди, шартномалар удаланди. Юртларнинг асосий омиларидан бири 25—30 йилдан бери ишлаётган, ишларнинг меҳрибон мураббийлари таърибасидан умумий фойдаланилаётганидир. Ингувчи, соловчи-слесарь, пайвандчилардан Сабри Абдурахмонов, Қўнқор Сиддиқов, Маша Червонова, Жумгал Каримова, Евгений Шур, Семикером Мақамбоев, Виктор Синишников кабиларнинг номларини хурмат билан тилга олиш мумкин. Улар энг аввало сифат жонқурларди, янгилек ижодкорлариди.

Қўнқор Сиддиқовнинг меҳнат дафтарчасида «1962 йилда ишга қабул қилинган» деган ёзув бор, холос. Ингитлик бурчини ўтаб келгач, ҳеч иккилашмаган бирлашмага ишга келди. 3-цехда Евгений Шур уни шоғирликка олди. Кунт билан электр пайвандчиликни ўрганди. Мана, йиллар ўтиб ўзи устоз бўлди. Ҳозир электр пайвандчилар устаси (бригадир) бўлиб ишлапти.

Бу ўқастада 11 киши меҳнат қилади. Ҳар кун 12 та, баъзи кунлари 15 та машинага узел тайёрлаб беришга улгурдилар. Улар тайёрлаган маҳсулотлар аъло сифатлидир. Бундан ташқари участка аъзолари ҳар кун пахта териш, экиш агрегатлари, пурақтичлар учун зарур бўлган 350—400 та эҳтиёт қисмларни ишлаб берадилар. Унинг шоғирлари Гивё Исмаилов, Жамол Очилов ҳозир моҳир йиғувчи-пайвандчилардир. Улар политехника олийгоҳининг учинчи курсида ўқийоти. Устаканинг моҳир устасери Б. Турсунов, В. Попов ҳамма жараёнларни пушта эглаб олишган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи соҳиб Қўнқор Сиддиқов онладе меҳрибон отади. Угиллари ҳам, турмуш ўртоғи ҳам пешона тери билан элге кизмат қилишати.

— Цехимизда Қўнқор акага ўхшаган фидойи кишилар билан фахрланамиз, — дейди цех бошлиғи Р. Отажонов.

С. СУЛТОНОВ.

Хориждан хабарлар

ВАРШАВА. Польшанинг Балтика денгизи соҳилидаги Сопот курорт шаҳри ўрмондаги операда «Атлант» спектаклидан Европа битта» санъат усталарининг концерти билан 27-халқаро музика фестивали тантанали равишда очилди. Сопотдаги машҳур эстрада қўшиқлари халқаро фестивали энди ана шундай деб аталади. Фестивалнинг номини элмас, ўзи ҳам бағари. Энди у тижорат тусида ўтади. Чет эл фирмалари иштирокида ташкил этиладиган фестивал янги истредод эгаларини кашф этишга, эстрадада янги йўналишларни омалаштиришга қўмаклашмоғи лозим.

ЛОНДОН. Сиёсий кузатувчилар башорат қилганларидек, Форс кўрғазидagi танглик Буюк Британиядаги сиёсий қўнқорнинг мақкега ўзгартиш қилинди. Бугун «Гардиан» газетасида эълон қилинган Ай-Си-Эм тадқиқот хизмати ўтказган жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига қараганда, лей-

бористлар партияси билан ҳужумкор консерватив партия ўртасидаги фарқ бундан бир ой олдин ўтказилган худди шундай тадқиқотларга нисбатан 5 фоиз камайди. Ҳозирги вақтда лейбористларни британияликларнинг 49 фоизи, консерваторларни 38 фоизи қўллаб-қувватламоқда. Бу шу йилнинг январидан кейинги даврда консерваторлар учун энг яхши ва лейбористлар учун энг ёмон кўрсаткичдир, деб ёздаи «Гардиан» газетаси.

ВАШИНГТОН. Президент Жорж Буш 1974 йилги савдо тўрисидаги қонунга Жексон-Вэник тузатиши деб аталган тузатишни кўзда тутовчи АҚШ билан ГДЖ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга барча чекловларни бекор қилди. Жексон-Вэник тузатиши эмиграция эркинлигини чекловчи мамлакатларга қарши қаратилган.

Бушнинг Оқ уй эълон қилган қарори ГДЖга АҚШ экспорт-импорт бакидан қарз олиш, шунингдек тула-

нишига Америка ҳукумати кафолат берадиган хусусий қарзлар олишга ҳуқуқ беради. ЮПИ агентлиги ГДЖ билан савдо-иқтисодий муносабатлардаги чеклашларнинг бекор қилиниши Қўшма Штатларнинг корпорацияларига бўлажак Бирлашган Германиянинг шарий қисмида, «тижоратда мустақимла» олиш» имконини беради, деб таъкидлайди.

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари Жеймс Бейкер Вашингтонга келган Иордания қироли Хусайн билан учрашди. Давлат департаментининг расмий вакили Маргарет Татуайлер уларнинг сўхбатини шарҳлаб беришдан бош тортиб, Иордания қироли АҚШ Президентига Жорж Буш билан учрашгандан кейингина шарҳлаш ўридли бўлади, деди.

Уларнинг музокарали Бушнинг Мэн штатидаги Кеннебанкпорт шаҳрида жойлашган мулкда бўлиб ўтади. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарларига

қараганда, қирол Хусайн Президент Бушга Ироқ Президент Саддам Хусайннинг «хусусий мактуби»ни олиб келган. Матълумки, қирол Хусайн Ироқ Президентини билан дўшман қўни учрашган эди. Оқ уйнинг хабар қилишича, ўша кун Иордания қироли Бушга қўнқор қилди. Форс кўрғазидagi тангликни шахсан муҳоама қилмоқчи бўлганлигини айтган. Буш журналистлар билан учрашув чоғида АҚШ Иорданиянинг Акабу портини тўсиб қўйиши мумкин, деб огоҳлантирди, мавжуд маълумотларга қараганда, Ироқ БМТнинг жазо чораларини четлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа юкларни ана шу порт орқали олиб турибди. Учрашувда Президентдан «маълум даврда кемалар билан Акабу портига киришни тўсиб қўйиш зарурати туғилмайдими» деб сўрашди. Президент бундай жаовб қилди: «Матълум пайтда шундай зарурат вужудга келиши мумкин, деб ўйлайман. Қалин турда Акабу порти тешикка айланб, шу тешик орқали савдо давом этадиган бўлса, Ироқ си учун Акабу порти беркилиб қўйилиши керак, деб ўйлайман». Бунда Бушнинг «жазо

чоралари доирасида 63 мамбуриятларини бажаришда бошқа мамлакатларга қўйишида Иорданияга ердан беришга» тайёр эканлигини, яъни Ироқ билан савдо операцияларини тўхтатишдан қўриладиган зарарни қоплашга тайёр эканлигини айтди. Биз уларга илгарии ҳам ердан берганмиз, агар улар ўз мажбуриятларини бажарсалар, келгусида ҳам ердан берамиз, деб таъкидлади Буш.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ иқтисодиёти таназзул йўлига ўтди. Бир қанча мустақил экспертлар ҳукумат иқтисодчиларининг гапларига қарамай, фикрини айтмоқдалар.

Таназзулни олдий америкаликларнинг чўнтаги куда яхши қўрсатиб турибди, деб ҳисоблайди Альберт Синдлингер. Пенсильвания штатининг Уоллингфорд шаҳарчасида яшайдиган бу иқтисодчи 30 йилдан кўпроқ вақтдан бўён мамлакатнинг қитъа қисмидаги 48 штат (Гавайя ороллари ва Аляскадан ташқари) аҳолисига телефон қилиб, молиявий «аҳолини» суриштиради.

Шу йил июль ойида у танлаб 4300 кишига савол берди. Савол берилган одамларнинг 68,7 фоизи ўз молия-

вий ишларининг аҳволига салбий баҳо берди. Шу йилнинг январь ойида атғи 52,7 фоиз салбий баҳо берган эди.

Майда ва ўрта Америка қорчалонлари орасида «умидбахшлик индекси» пасайиб кетаётганлиги ҳам Синдлингернинг фикрини тасдиқламоқда.

ТОКИО. Япониянинг Эн-Эйч-Кей марказий радио-эшитириш корпорациясининг Токиодаги манзили хонаки ёндирувчи қуроллар билан ўққа тутилди, деб хабар қилди Токио полиция бошқармаси вакили.

Полициячининг гапларига қараганда, бир неча куйган ана шундай «снаряж» буюнини томидан ва бино яқинидаги автомобил бекатидан топилди. Бино яқинидаги бодан эса кейинчалик уй шаронлида тайёрланган отиш қурмиласи топилди.

Ўққа тутиш учун мастулиятни ҳозирча террорчи ташкилотлардан биронтаси ҳам зиммасига олмади, лекин маъмурият бу ишга ўзга сўл экспертлар «император оиласини ҳимоя қилувчи газетали репортёрларга қарши норозилик белгиси сифатида ташкил этганлар», деб шубҳаланмоқдалар.



© **Иносийят қанчадан-қанча касалликларни енгди.** Минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган чекан. Ҳат касалликларни ўтмишда қолди. XXI асрда полиомеелет уларнинг қаторига қўшилди. Мутахассислар ўз олдларига ана шундай вазифани қўйишган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, полиомеелет касаллиги билан ҳозир бутун дунёда қарийб 40 миллион бола хасталган. Ана шу касалликни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири — бу иктымол базанни бўлишдир.

СУРАТДА: полиомеелет касаллигининг тарқалиши учун энг қудай шаронт ифлос сув ва ахлатлардир. Камера Пресс — ТАСС сурати.

(СИТА).

Машрабнинг 350 йиллиги олдидан

Адабиёт ва санъат

Саҳна сирлари

Қиёфа яратганда

БУЮК театр арбоби К. С. Станиславский ўз вақтида актёр қиёфа устида ишлаётганда гримнинг ўта муҳимлигини кўрсатиб ўтган эди. У ўзи ва дунё театрининг бошқа буюк намояндalари ўйнаган ёрқин қиёфалар орқали фикрини асослаб ҳам берганди. Унинг таълимоти ҳозирги совет актёрлари учун дастуриламал бўлиб келмоқда. Шу ўринда ўтмишда ўзбек анъанавий театрида ҳам гримнинг аҳамиятини катта бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Фикримизни археологик қазималар чоғида топилган актёр ниқоблари ҳам тасдиқлайди. Бу усталик биздан қилган ниқоблар ва грим орқали актёрлар ўз персонажларининг ёрқин қиёфаларини яратишга эришганлар.

Ҳозирги режиссёрлар ўзи саҳналаштираётган спектакллардаги персонажларнинг ҳар бирининг юриш-туруши, тасвириланган воқеалар қайси дарга мансублигини ўша давр одамларининг кийиниши, урфу одатларини, ёшани, айниқса қандай соқол-мўйлов қўйганию, ҳатто ажинлар, кўз қарашлари, хуллас ҳамма-ҳаммасини билиши керак. Шунинг учун ўзбек театр ва киносининг буюк арбоблари — Аббор Ҳидоят, Аббос Бақиров, Шукр Бурҳонов, Олим Хўжаев ўзлари ўйнаётган образларда гримнинг аҳамиятини яхши билганлар. Мисол учун Комил Ерматовнинг «Инцилоб чавандозлари» фильмидаги Амир Олимхонни олиб кўрайлик. Комил Ерматов Аббос Бақировни Амир Олимхон ролини ўйнашга тавсия қилди. Амир кийган кийимларни унга кийгизди. Амир яшаган даврни аниқ эътириб ҳатто фойда топиб Бухорода уни юрғизиб кўради. Амрини кўрган ва таниган қариялар Бухоро кўчаларида уни кўриб «Амир қайтиб келибди», деб кўриқ ўйларга беркина бошлайдилар. Комил Ерматов шундан кейин гримларга тўла ишонч ҳосил қилиб, суратта олишни бошлайди.

Олим Хўжаев яратган Навоий қиёфаси, Улмас Умарбековнинг «Қисмет дар» пьесасидаги Шукр Бурҳонов яратган Сулаймон ота қиёфаси ҳам фикримизга далил бўлади. Бу ерда ҳам актёрлар ўзлари яратган наҳрамонларнинг юриш-турушига, кийинишига, айниқса гримига жуда катта эътибор беришган.

Баъзи актёрларимиз бор, оммавий саҳналардаги кичик роляларга илҳом бўлса гримсиз чинишга ҳаракат қилишди. Бироқ кичик эпизодик роляларни қиёмага етказиб ўйнаб жаҳонга машҳур бўлган актёрлар жуда кўп. Масалан, Наби Раҳимов ҳамма номлидаги академик театрга ишга келган пайтда ижодий жамоа мураккаб даврни бошидан кечираётган эди. Дастлаб Н. Раҳимов эпизодик роляларни ижро этиб юрди. К. Яшиннинг «Икки коммунист» пьесасидаги ўроқ Кўрбоши, «Қўзғолди кишлоғи» даги Флорес, З. Санд ва Н. Сафаровларнинг «Тарих тилга кирди» пьесасидаги Рафик ролялари шулар жумласига кирди.

Д. Фурманов ва С. Поливановларнинг «Боговот» пьесасидаги Егор қиёфаси Н. Раҳимовнинг ижодига биринчи жиддий муваффақияти деса бўлади. Актёр ўз қаҳрамонининг тўлақонли ва ҳаётий қиёфасини яратиб борасида анчагина қийинчиликларни бошдан кечирди. Дастлаб у қиёфанинг ички хусусиятларини чуқур ўрганмай, фақат ташқи хусусиятларини бартўриб беришга ҳаракат қилган эди. Шунинг учун ҳам Егор қиёфасига хос бўлган айрим сиртқи бўёқлари топил билан кифояланди. Аслида у спектакль давомида атиги икки маротаба, бир неча диққатига қўрилади. Аммо шунга қарамай унинг хунук, кўрқинчли баҳараси, қисқи ва қўз кўзлари, букир гавдаси томошбинларнинг эсида кўп вақт сақланиб қолади. Сабаби, актёр бу қиёфани яратишда грим ва саҳна ҳаракатидан тўлиқ фойдаланган. Ҳа, Наби Раҳимов эпизодик роляларни ҳам маҳорат билан ўйнайди. Чунки ҳақиқий актёр учун «катта ва кичик» роль йўқ. Наби ака К. С. Станиславский айтган «Кичкина ролялар бўлмайди, фақат кичкина актёрлар бўлади» деган галига ҳаммаша амал қилади.

Хуллас, ёш актёрлар ҳам юқорида тилга олинган устоз санъаткорлардек иш тусалар, ўз роляларига катта-кичик деймай меҳр билан қарасалар, (устозлар тажрибаларидан ўрнат олсалар), грим билан чинишга ҳаммаша эътибор берсалар фойдадан холи бўлмасди.

Маҳкам ИСМОИЛОВ,
А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият олийгоҳи катта ўқитувчиси.



РАҚОСАЛАР.

Халқ дардини куйлаган шоир

— Ошкоралик, қайта кўриш туфайли маданият меросинизга, шу жумладан адабиётимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Кўп йиллардан буён Машраб шахсияти ва адабий мероси билан шуғулланувчи олим сифатида айтилган, ҳозир унинг ижодига ёндошув қай даражада?

— Дарҳақиқат, Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг иккинчи курсида ўқиб юрган давримдаёқ Машраб адабий меросига меҳр қўйиб ўргана бошлаганман. Аслида мутақаббил адабиётга меҳр анча олдин бошланган эди. Ота-онам ўқимишли кишилар бўлиб, етти-саккиз ёшлигимдаёқ «Шоҳнома», «Юсуф ва Зулайхо», «Тоҳир ва Зухра» каби дostonларни ўқиб беришарди. Кейинчалик секин-аста Машраб ғазалити билан танидим. Унинг ғазаларидаги ички ёниқ яшувчанлик, ҳар мисрадан пурқаб турган оташнафас нидолар туйғуларини қамраб оларди. Олийгоҳда домла Шайхзода мутақаббил адабиётдан ўқиган маърузаларида Машраб ниҳоятда мураккаб шахс эканлигини ўқитардилар. Хуллас, 1939 йилдан буён Машраб ижоди билан шуғулланиб келаётган бўлсам, саксонинчи йилларгача у ҳақда ҳақ санини айтишга интиланганим учун умрим калтак еб ўтди. Кимгаси ўтмишни идеаллаштириши борасида материал керак бўлса, мен унга «хом ашё» бўлиб хизмат қилдим. Лекин ҳар қанча қийин бўлмасин бу ижодкор ўз даврининг буюк фарзанди эканлигини, шароитимизда алоҳида мактаб яратганлигини исбот қилишга уриндим. Ва имкониятларим доирасида маълум даражада уни кўрсатдим.

— Шуниси ачинарлики Машраб ҳақида жуда оз нарса биламиз. Аслида унинг ижоди ҳам бўлиб-бўлиб ўрганишга, йиррик-йиррик илмий асарлар ёзишга арзийди?!

— Икки март (1966, 1984 йиллари) Машраб ижоди ҳақида монография ёздим. Шуниси қизиқки бу икки монография ҳақида ҳеч қим ўз фикрини (маъбуотда) билдирмади. Ўйлай-ўйлай шу хулосага келдим: ё мендан орттириб айтганидан гаплари йўқ ёки бу китоб хусусида таниқий фикр айтишга уларда ҳеч вақо йўқ. Минг қатла шукри, бу зоти шарифнинг адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш даражасига етишим.

— Шоир асарлари ўз даврида девон ҳолига келтирилганми? Умуман унинг ҳаёти ва ижодидан маълумот берувчи асарлар борми?

— На ўзи, на замонадошлари томонидан алоҳида девон ҳолига келтирилгани маълум эмас. Унинг ашъорини бизга шоирнинг содда шогирди Пирмат Сеторий томонидан халқ китоблари услубида битилган «Китоби ошнинг Машраби Мажазубий валдулоҳ» асаридан маълум. Пирмат Сеторий ана шу китобга устозининг кўпгина сара шеърларини киритган. Бундан ташқари ўша замонда тузилган бир қанча баёзларда ҳам Машраб шеърлари учрайди. Бироқ шоирнинг ҳаёти ҳақида аниқ тасаввур берувчи тарихий манба сўнгги вақтларгача маълум эмасди. Айрим узуқ-юзуқ хабарлар бир-икки таъзирада учрарди, хоҳос. Мен эллигинчи йиллар охирида Хўжаевда ишлаган вақтимда Машрабга замонадош бўлган Зо бир — Қаландарнинг авлодла-



Халойиқлар мени қувлар «ёмон деб ҳар шаҳар бормас. Ажаб мардуд, ажаб мажазуб, ажаб ҳайрона Машрабман.

— Ҳазратимиз ҳукуматининг қарорига мувофиқ 1991 йилнинг май ойида бу улук зотнинг 350-йиллиги катта тантана билан нишонланади. Шоирнинг асарлари тўла чоп этилади. Айни пайтда бутун Ўзбекистон ахли унинг тўғна ҳозирлик қўриғи, айниқса, Андижон ва Наманган вилоятларида кўп ишлар қилинмоқда. Шу муносабат билан таниқий мажбурият, тўғна комиссия аъзоси, филология фанлари номзоди Мухсин Зокиров билан Машраб ижоди ва ҳозирги пайтда олиб борилаётган ишлар хусусида сўхбатлашдик.

— Машраб шахсияти ва ижодити мураккаб, афсоналарга чулганган дейсиз. Бунинг моҳияти ва тарихий сабаблари нимага деб ўйлайсиз?

— Машраб шахсияти ва адабий меросининг мураккаблиги — ўнда ўша даврининг маънавий ҳаётининг барча эътиборлар ўз ансини тоган. Машраб бир томондан буюк эркесвар шоир, иккинчи томондан ўша даврда жамият маънавий ҳаётида жуда чуқур идиш отган тасаввуф

маснафининг Туркистонда етишган энг буюк сиймоси эди. Тасавуф жуда мураккаб фалсафий оқим бўлиб, унинг хилма-хил маънавлари мавжуд. Бу маънавлар орасида Вақдати вужуд ва Вақдати маввуд (вужуд бирлиги ва маввудот бирлиги) ўз моҳияти эътибор билан эркесвар доиралар қарашларига яқин туради. (Ғарб фалсафасида у пантеизм деб аталади).

— Мана шу маънабининг Туркистонда етишган энг буюк вакили Машраб ҳам бутун умри «бир худудин ўзгаси барча галатдур» Машраб» деган ақидага амал қилиб ўтди. Нисон қадри ва қудратини жуда юксак тутган Вақдати вужуд маънабида Машраб даврга келганда Туркистонда ўз дастуларини «Қаландар тарихи»га воситасида нәҳор етдилар.

— Дарвоқе, ҳозир қаландарликни тилга олдингиз. Машрабнинг унга алоқадор-

лиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Қаландарлик у даврларда энг халқчил тарикатлардан бўлиб, улар сарсари, дарбадор ҳаёт кечирганлар. Улар бутун умрларини асосан халқ орасида ўтказганлар. Халқнинг бутун ташвишу дарди уларга маълум эди. Қаландарлар ҳоким табақаларни, амалдорларни, ўз манфаатидан бошқасини ўйламайдиганларни ҳеч тап тортмай астар-аврасини агарганлар, кўзи ёшли бошчора халқнинг дилидагини топиб гапирганлар. Шу боис уларнинг халқ орасида таъсири ва обрўси жуда зўр эди. Ҳар вилоят ёки музофотнинг қаландарлари касоба бўлиб ҳаракат қилишган. Улар ўз етакчиларини шох қаландар деб, атаганлар. Машраб ҳам шох қаландар мақомига кўтарилган эди. Шу маънода машҳур қаландарларнинг ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари борасида халқнинг ўзи ҳам маънабалар (латифамо ҳикоялар) яратганлар. Давр ўтиши билан Раҳимбобо Машраб ҳақида ҳам бир қанча маънабалар вужудга келган. Бора-бора унинг сиймоси маълум маънода афсоналарга ҳам чулганган.

— Тўғна комиссия аъзоси пайтда олиб бориётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти совридориди Ҳамид Ғулوم раҳбарлигидаги тўғна комиссияси иш олиб бормоқда. Юқорида қайд қилингандек Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ қатор режалар белгиланган, тўғна тайёргарлик қизғин кетаяпти. Шунингдек, шоир тўғна атаб унинг шеърлар тўплами Ғафур Ғулум номидаги нашриётда босмадан чиқиши арасида. Ундан ташқари комиссия режасига мувофиқ келмакда Машраб ҳақидаги халқ китобини асл ҳолида нашр этириши ва унинг «Мабадан нур» фалсафий дostonини босмадан чиқариши мўлжалланган.

— Лекин шунга ҳам қайд этиш жоиз. Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижоди билан шуғуллана бошлаганимга 50 йилдан ошган бўлса ҳам, унинг ижодини ҳар томонлама чуқур биламан, деб айтмайман. Негаки Машраб ва Машраб тақийда арбобларимиз қондирган мерос шу қадар сермавж уммонки, ҳар қим ундан ўз қосасига имкони борича олиб ичоди.

— Машраб номини абадилаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Бу борада Наманган вилояти раҳбарлари, жамоатчиллиги катта хайрли ишларни бошлашди. Машраб номига кўча, мактаб қўйилди, бир неча гектар ерни богга акратиби, уни обод қилишга киришилди. Андижон вилоятида эса Бобур ва Машраб номи абадилаштириш мақсадида алоҳида қатор қабул қилинди. Ҳозир қарорни бажариш юзасидан фаол иш олиб боришмоқда. Ўйлаймики, яқин орада Тошкентда ҳам маълум чоратадбирлар амалга оширилади.

Сўхбатни Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ ҳамроҳ қилди.

МУСАВВИР КЎРГАЗМАСИ

СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси В. Петров ўз асарларида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, кўнра шаҳарларимизнинг меъморий обидларини завқ-шавақ билан тасвирлайди. Жумҳурият болалар бадиий ижодити марказида рассом

асарларининг кўргазмаси очилди. Петров ижодининг ўзига хослиги шундаки, санъаткор у ёки бу манзаранинг «кайфиятини» ёки келди-қелдида яшаб ижод этган меъморий руҳини чуқур ҳис қилди. Муаллиф бир мавзу ва

ўша бир кўрғинига неча маргалтаб қайтди, лекин ҳар гал унинг бўёқлари, йил фасллари, ҳис-туйғулар жиҳоси ўзгариб бораверади. Унинг бир мавзуда турли усулда яратган манзаралари киши кўз ўнгига бутунлай бир бошқа оламни

тавлантиради. Кўргазмага мусаввир қадами етган Россия, Қрим, Болтиқбўйи табиатининг хушманзарга гўшалари акс этган асарлари ҳам қўйилган.

[ЎЗАГ].

ЁШЛАР ТЎПЛАМИ

ЎЗБЕКISTON ЛКЕУ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашрияти яқинда 50 дан ортиқ умидли ёш қаламкашларнинг асарларини тўплаб, «Ёшлар овози» тўпламини чоп этди. Янги тўпламдан жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида,

шунингдек қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон жумҳуриятларида яшаб ижод қилаётган ижодкорлар машқларидан берилган намуналар ҳам муносиб ўрин олган. Шеърлар, ҳикоялар, қиссалар ва таржималардан сара-

ланган бир мажмуа 10000 нусхада, юқори босма усулида босиб чиқарилди. Китобни бешазда мусаввир Б. Тўхтабоев чиқарган суратлардан фойдаланилди.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

ДЎСТЛИК МАДҲИ

СССР Халқлари дўстлиги музейи ходимлари жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида бўлиб, халқлар дўстлиги билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни излашди.

Яқинда вилозий ходимлари Фарғона вилоятининг аjoyиб экспонат олиб келишди. Бу хилма-хил суратларда Халил Қосимович Мельников ҳақида ҳикоя қилинади. Улук Ватан уруши даврида у киши оғир яраланган полк командири Иван Тихонович Мельниковни жанг майдонидан олиб чиқиб, ўқ

товушидан ҳолироқ жойга олиб ўтади. Шунда командир унга раҳмат айтиб: «Халилжон, ярам оғир. Улимдан чўчигганим-ку йўқ. Бироқ ном-нишонинг ўлиб кетиши кишига алам қилади. Менинг ҳеч қимим йўқ. Сеннинг ака-укаларинг бор. Сендан ўтинчим, агар тирик қолсанг менинг фамилиямни ўзинга ол. Ҳаётда ҳеч бўлмаса номин қолсин», деб ўтириб сўрайди. Халил ака унинг илтимосини бажаришга сўз беради.

Халил ака ўз командирининг сўзларини отасига эзиб юборади. Бир оз ўтиб-ўтмай отасидан розилик билдиргани ҳақида мактуб олади. Ана шундай қилиб у Мельников фамилиясида ишай бошлади. Эндиликда Мельниковлар Риштон район Соҳ қишлоғида жуда ҳам қўнчилигини ташкил қилди. Қўрғазмаси, халимиз марҳумлар ҳурматини қандай эъзозлаб келишган. Ҳозирда музей ана шундай аjoyиб экспонат билан бойиди.

Мухтор УБАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги
РЕСПУБЛИКА ХУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ
1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу гуруҳларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Ўқишга республикамиз шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қиради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топишган ўқувчилар педсовет қарорига кўра, ўқини битириб бўлган Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқарини практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида на универсалларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топиради: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справкаи таржиман холи, 086/У формадаги медицина справкиси, 3х4 см катталикдаги 6 донга фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва область бошқармасининг йўлламаси.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 32 сўм стипендия берилади.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улук Ватан уруши I ва II даражали ногиронларнинг фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика хунар-техника билим юрти қўнимгоҳи: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов району, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70, 116)-автотўловчи билан «Чўпон ота», 4 ва 9-трамвайлар билан «Тез ёрдам» медицина клиникаси» бекатларига борилади. Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 2-МАТБААЧИЛАР ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти ўрта маълумотли электрон қурилмалар фотобор операторлари, мусаввир-ҳарф терувчилар, офсет босма усулги матбаачилари, ҳарф терувчилар, матбаачилар ва муқоovasозлари тайёрлайди.

9-11 синф маълумотига эга бўлган 15-18 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

9-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва диплом билан бирга тўлиқ ўрта маълумот ва хунар эгаси бўладилар.

Ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-боп билан таъминланадилар. 11-синф маълумоти билан ўқишга қабул қилинганлар учун ўқиш муддати бир йил. Ойига 30 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар Моеква ва Львов матбаа институтлари, Тошкент енгил саноат институтининг матбаа бўлимига ўқишга йўллама берилади.

Билим юртидаги ўқиш вақти ишлаб чиқаришдаги меҳнат стажига қўшилади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртида 6 ойлик тўқиш ва тикувчилик курслари, бадиий ҳаваскорлик тўғрақлари, спорт секциялари ишлаб турибди.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛанаДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топиради: билим юрти директор номига ариза, таржиман холи, тўғналик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), 6 донга 3х4 см. катталикдаги сурат, тиббий шаҳодатнома.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, Нурух кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станциясидан 11, 13-троллейбуслар, 33-автотўловчи билан «Бўрижар кўприги» бекатига борилади).

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
42-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ахтисослар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАВАНДЧИ, ТОКАРЬ, ЭХМ ОПЕРАТОРИ.
Ўқиш муддати — 8 (9) синфини тугатганлар учун — 3 йил, 10 (11) синфини тугатганлар учун — 6 ой.
Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади. 3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар пуллик давлат таъминотида бўладилар. 6 ой муддат билан ўқийдиган ўқувчиларга стипендия тўланади. Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизини тўланади.
Билим юртида ҳар хил тўғрақлар на спорт бўлимлари мавжуд.
Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар, имтиёзли шарт билан институтга киришлари мумкин.
Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топиради: тугулганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома.
Билим юрти манзилгоҳи: 700084, Тошкент шаҳар, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (72, 60, 8, 24, 9, 91, 156-автотўловчи билан 2, 16, 22, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба хибони» бекати). Телефонлар: 34-57-13, 34-37-14.



© ХУШМАНЗАРА ТОҒ ЭТАГИДА. Болаларнинг ёзги таътили кунроқ ва мароқли ўтмоқда. 153-қурилиш бошқармасининг Чимёнинг хушманзара тоғ этапларида жойлашган «Солнечный» кашпофлар лагерида дам олаётганлар ҳам мириқиб хордиқ чиқаришляти: тўғарақларда хунар ўрганишляти, танловларда қатнашишляти. СУРАТЛАРДА: лагерь ҳаётиндан лавҳалар. Х. Шодиев суратлари.

лар ҳам мириқиб хордиқ чиқаришляти: тўғарақларда хунар ўрганишляти, танловларда қатнашишляти. СУРАТЛАРДА: лагерь ҳаётиндан лавҳалар. Х. Шодиев суратлари.

РОССИЯ—АМЕРИКА ДОРИЛФУНУНИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

СССР Фанлар академияси, М. В. Ломоносов номида Москва Давлат дорилфунуни ва «Индепендент юниверсити» Вашингтон таълим институти ўртасида Россия—Америка дорилфунуни ташкил этиш тўғрисида шартнома тузилди. Бу биз учун бутунлай янги ўқув юрти бўлиб, унда АҚШ профессорлари иқтисодиётдан, бизнесдан, инглиз тилидан дарс берадилар. Ўз навбатида совет мутахассислари Америка бўлимида лекциялар курсини ўқийдилар. Россиянинг биринчи мустақил дорилфунуни айнан қаерда жойлаштирилиши ҳақида гапириб қийин, аммо у келгуси йилда ишлаб бошлайди, деб қарор қилинди.

20 нафар энг яхши талаба АҚШда стажировкадан ўтади. — Дорилфунунининг асосий роляси, — деди «Индепендент юниверсити» ташкилотининг президенти Э. Лозинский, — эркин бозор шароитида ишлаш учун мутахассислар тайёрлашда Россияга ёрдам беришдан иборат. Дорилфунуни «Россия — Америка» дорилфунуни деб аталади, биз учун миллат деган тушунча умуман бўлмайдиган, олий ўқув юрти асосчиларининг айна Россияга хайрхоҳлигини таъкидлайди. Кейинчалик бошқа иттифоқдош жумҳуриятларда унинг филиаллари ишлаб бошланиши истисно этилмаган.

Ажойиботлар оламида

Бахтли тасодиф

ТАБИАТ инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Қўнғинча у турмушда рўй бераётган янгиликларга ва турли ихтироларга ҳам сабабчи бўлади. Баян бунга аризмаган воева ёки ҳодиса ҳам туртки бўлиши мумкин. Чунки, сайрдан қайтиб, кийимларига илашган чўп-хасларни тозалаш пайтида швейцариялик муҳандис Жорж де Местраль жисмларини бир-бирга ёпиштириш (улаш)нинг янги усулини кашф этган эди.

не Антуан де Реомюр умрининг кўп қисмини жониворлар ҳаётини кузатишга бағишлаган. У арилар ўсимлик толасини суғлаги билан юмшатиб қалин қозғога ўхшаш модда ҳосил қилиб, ич қуришнинг кузатиш, сўнг матолардан картон ишлаб чиқарувчиларга ёғочдан қозғо ишлаб чиқаришни таклиф қилди. Аммо ўша пайтда унинг бу таклифига ҳеч ким қўлоқ солмади. Орадан 100 йил ўтиб, бу усул ниҳоят эътироф этилди. Ёғочдан қозғо ишлаб чиқариш ҳаётга тадбиқ этилди.

«Биллур сарой»

1851 йилда Лондонда 1-халқаро қўрғазмнинг очилиши муносабати билан Джозеф Пекстон ойна ва металл конструкциялардан узунлиги 500 метр бўлган улкан бинони ҳеч бир қийинчиликсиз куриб битказди. Бу бино «биллур сарой» номини олди. Бино бунёд этилишида курилиш материаллари сифатида ишлатилган ойна ва мураккаб конструкциялар меъморчиликда инқилоб юз берганини аниқлар эди.

Гап шундаки, ўша пайтда боғларни барпо этиш ва чирой бериш устида иш олиб бораётган Пекстон Жанубий Америкадан Англияга олиб келинган ва Англия қироличаси шарафига Виктория-регия деб номланган улкан нилуфар ҳақида эшитиб қолади. Ўсимликнинг барглари 2 метргача етар ва кичик ёшдаги болаларни, бемалол кўтарар олади. Унинг пишқилдиги сири марказдан радиус бўйлаб тарқалган томирлар битта умумий марказга эга бўлган толарлар билан чирмашиб кетганида эди. Баргининг тузилишини ўрганиб чиққан Пекстон ўз кузатувлари натижасида тик қўйилган устулларга ўрнатилган металл конструкциялар бир-бири билан тўғри бурчак остида кесишиб ўтган улкан ойнавийд бинони бунёд этишга муваффақ бўлди. Бу саройнинг курилишида ҳам меъморга табиат «ёрдам» берди.

«За рубежом» рўзномасидан Рустам ШУКУРОВ таржимаси.

Ҳар тўғрида

Юдулар Галактика умумий массасининг 10 фоизини ташкил қилади ҳолда, уларнинг асосий қисми нур таратмайдиган қорамтир моддадан иборат.

Япониялик мутахассислар шаффоф тусдага ўта мустаҳкам алюмин оксидини ҳосил қилдилар, унинг 1 миллиметр қалинлигидаги варағи остидаги босма матиларни ўқиш мумкин.

Саксонияда йилларда Ватанимизда ишлаб чиқарилган фильмларни кўриданган томошбинлар миқдори 10 миллиондан то 6,5 миллион кишига қамайди.

СССР аҳолисини 1991 йилда ёғоч материалларига бўлган талабини тўла қондириш учун 53,5 миллион куб метр миқдорда ўрмон маҳсулотини керак экан.

СССРда қора металлнинг занглаши туфайли йўқ бўлиши миқдори 30 фоизга ташкил қилади.

Расмий ҳисоб-китобларга қараганда СССРда тахминан 70 миллион ҳашанда бор.

Кавш қайтарувчи жониворлар ҳавога барча манбалардан тарқалган метаннинг 15 фоизини ажратади.

Ҳар йил қайта ишлаш натижасида қолганган узум умрининг 60 миң тоннасидадан озуқа сифатида 7 миң тонна узум ёғи олиш мумкин.

Кооперативлар ишлаб чиқарган бир ярим миллиард сумлик маҳсулотнинг, фақат 603 миллион сумлигига аҳолига сотилган ҳолос.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.

БУТУНИТТИФОҚ ТАНЛОВИ

СССР Давлат табиати муҳофазаси қилиш комитети, касеба уюшмалари Бутуниттифоқ Марказий кенгаши, ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда СССР Журналистлари уюшмасининг правлениси томонидан ташкил этилган Бутуниттифоқ танлови «Табиати ҳимоя қилиб айтилган гаплар» шiori билан ойналади. Унинг мақсади афро-муҳитни муҳофазаси қилиш каби муҳим ва зарур ишга жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат. Танловда рўзномалар ва ойнамалар муҳарририяти ижодкор жамоалари ҳам, айрим муаллифлар ҳам қатнашишлари мумкин. Уларнинг вазифаси бу йил матбуотда эълон қилинган табиати муҳофазаси қилишга таллуқли материалларни 119021, Москва, Зубов хивони, 4-уйдаги манзилгоҳда жойлашган Журналистлар уюшмаси правленисига 1991 йил 1 мартга қадар теқдим этишдан иборат. Материаллари жамоатчилик фикрини уйғотган, амалда ижобий натижа берган, экологик жиҳатдан соф технологияларни, экологик соҳасида жамоатчилик ҳаракатини, регионларро ва халқаро ҳамкорликни тарғиб қиладиган муаллифларнинг гаплари қозониш имконияти кўпроқ. Материалларни танлов ташкилот комитетига СССР Журналистлар уюшмасининг маҳаллий ташкилотлари ҳамда рўзномалар ва ойнамалар муҳарририятлари тақдим этидилар. Конкурс қатнашчилардан танловга доир икки иш ёки матбуотда эълон қилинган туркум материаллар қабул қилинади. Ҳалиларга ҳар бири 500 сумдан 1000 сумгача 16 та пул мукофоти берилди. Танлов якунлари 1991 йил 5 июнда, Халқаро афро-муҳитни муҳофазаси қилиш кунига матбуотда эълон қилинади.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.

Мухаррир ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ

ПРЕМЬЕРА

25 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА

А. МОЛЬЕР асары.
А. АБДУЛЛАЕВ таржимаси

«Лақма куёв»

(2 ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ)
ҚАТНАШАДИЛАР:
Абдухалил МИГНАРОВ, Матқуб МАТЧОНОВ, Жумайдулла РАМЕТОВ, Назира АБДУВОҲИДОВА, Шохда УЗОҚОВА, Дилбар ИКРОМОВА, Мадина УСМОНОВА, Гулбахор РАҲИМОВА, Тоживой ШУКУРОВ, Фарход АБДУЛЛАЕВ ва бошқалар.

Чипталар театр кассасида соат 10 дан 19.00 гача сотилади.
Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Жавоб берувчи телефон: 44-11-70.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОИДА

4-5 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 19.00 ДА

НАРГИЗА ЗОКИРОВА
РУСЛАН ШАРИПОВ

«БОЛАЛАР»

ДИСКО-ШОУ ГУРУҲИ ИЖРОСИДАГИ ЯНГИ ДАСТУРНИ СИЗЛАРГА ХАВОЛА ЭТАДИ

Солнестар: Т. Содиқов, Х. Содиқов, Б. Пўлатов, Т. Одилов.

Гуруҳнинг бадий раҳбари — Руслан ШАРИПОВ. Кассалар соат 11 дан бошлаб ишлайди.

ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

10-синфларнинг ўқувчиларини ҳисоблаш техникаси ва информация бўйича 2 йиллик таълим туркумига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиб ўзбек ва рус тилларида бепул олиб борилади.

МАРКАЗ ўқувчиларини ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА СОҲАСИДА КАСБГА ЙўНАЛТИРИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, У ХАЛҚАРО КўРГАЗМАЛАР ВА СЕМИНАРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ ҲАМДА МАСЛАҲАТ ВА ТАНЛОВЛАРНИ ЎТКАЗАДИ.

Ўқувчилар танлов асосида сайлаб олинадилар.

Танлов 31 августгача ўтказилади.

Ҳужжатлар 30 августгача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1990 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛанаДИ.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси, СССР Фанлар Академиясининг Дастурий системалар институти, Халқаро болалар компьютер маркази, Ҳисоблаш техникаси ва информатика бўйича Бутуниттифоқ тармоқларро илмий-ўқув марказининг Ўрта Осиё филиали, Ахборот технологияларини ривожлантириш Ассоциациясининг Ўрта Осиё филиали Халқаро болалар компьютер маркази Тошкент филиалининг таъясечилари дур.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 4-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-50-61.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОИИ

Қуйидаги курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— 2 йиллик бичиш ва тикиш (ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади);

— қўлда бадий тўқиш (спинца ва илгак билан);

— машинада тўқиш («Нева» ва «Северянка»да);

— машинада гул солиш;

— қўйлакка қўлда бадий жило бериш («макраме», матолардан гул босиш усули).

Ўқиш муддати — 11 ой.

Ўқиш тугагандан сўнг ҳужжат берилади.

Маъгулотлар — эрталабки, кундузги ва кечки соатларда ўтказилади.

Соат 10 дан 17 гача рўйхатга ёзилишингиз мумкин.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 45-уй (4, 7, 11, 28, 24, 9-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбуслар ва 45, 50, 58, 80, 94-автобусларнинг «Театральная» бекати).

ОТА-ОНАЛАР, ЎҚУВЧИЛАР ВА 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тажриба ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиш учун кадрларни икки поғонали тайёрлаш системаси бўйича

Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9-синф битирувчилари учун қўшимча

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1 поғона бўйича Тошкент Давлат дорилфунунига кириш учун мақсадли йўналишдаги нуқур ўқитиладиган янги тақриба дастури асосидаги ўқиш 36-хунар-техника билан юрти қонида олиб борилади. 1 поғонали ўқиш муддати — 2 йил.



ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ
ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1-уй)

7—10 СЕНТЯБРЬ

соат 16.00 ва 19.30 да

ЖУМҲУРИЯТ «ХИСЛАТ» ЭКСТРАСЕНСЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

«ЦИРК — МОСКВА» СОВЕТ — ФРАНЦУЗ КОРХОНАСИ

Ўзбекистон аҳолисининг кўп сонли илтимосларига биноан

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИ

Шифо исаб мурожаат қилган 10.000 кишидан 8.000 таси ўз дардидан фориғ бўлди. Сеанслар усулиб кўп жиҳатдан А. М. Кашипровский услубига монандир.

Югославия, Болгария, Ўрта Осиё ва Болтиқбўйида бўлиб ўтган муваффақиятли сеанслардан сўнг Тошкентда чиқишлар давом этмоқда.

СЕАНСЛАРНИ:

Душабе шаҳрининг бош руҳшунос-шифокори, тиббиёт фанлари номоди, СССР Фанлар Академиясининг руҳшунослар жамияти аъзоси, руҳий шифо мавзудаги қатор китоблар муаллифи

руҳшунос-шифокор

АНВАР ИСОМИДИНОВ

ОЛИБ БОРАДИ.

Сеанслар қуйидаги касалликлар билан хасталанган беморларга ижобий таъсир кўрсатади:

юрақ-қон томирлари касалликлари, асаб касалликлари, аёллар касалликлари, кўза касалликлари, ички органлар касалликлари, нафас олиш системаси касалликлари, нотўғри модда алмашинуви, таянч-ҳаракат аппарати касалликлари, аллергия, тери касалликлари, кўксон, тоғайнинг қотиб қолиши, қанд касаллиги, тутқаноқ, пешобни тутта билмаслик, ичкиликбозлик, кайф ҳосил қилувчи турли хил моддаларни истеъмол қилишга одатланиб қолиш (токсиноманлик), юрак томирларининг сиқилиши, қон босимининг ошуви, босимнинг пасаиши, шунингдек, юкумли бўлмаган бошқа касалликлар.

Шифо усуллари ҳеч қандай ақс таъсирга эга эмас, даволаш самарали ўтиши учун 3—4 сеансга қатнашиш шарт.

Дастур ва савол-жавоблар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

12 ёшга бўлган болалар сеансларга қўйилмайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.



НАВОИИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/VIИ да Кармен, 22/VIИ да Селга тумори

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/VIИ да Знефат; 22/VIИ да Отасининг қизи.



20 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «ХАҚИҚАТ, СЕВГИ ВА ЧИРОЙ» (катта зал, 11, 14, 17, 20.00); «ҚАРИНДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ» (12, 14.20, 17.20, 20.30).

Чайка — «ҚАРИНДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ» (11, 13, 15, 19.15); «ЕЛҒОН ҚАСАМ» (16.45, 21.00); «ВЛКСМ 30 йиллиги» — «МОВИЙ ҚЎЛТИҚ» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АЛДОҚЧИЛАР» (11, 15, 19.00); «ҚОРА ОНИНГ ЧИҚИШИ» (13, 17, 21.00).

Восток — «МОВИЙ ҚЎЛТИҚ» (10.30, 12, 14, 16, 18, 20.00).

К. Ерматов номи — «КАТТА САЙР» (11, 13.30, 16, 21.00).

Қозғоғистон — «ФИДОИИ» (19.00); «ЕЛҒОН ҚАСАМ» (16, 20.00).

21, 22, 23 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «ХАҚИҚАТ, СЕВГИ ВА ЧИРОЙ» (катта зал, 11, 14, 17, 20.00); «ҚАРИНДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ» (12, 14.20, 17.20, 20.30).

Чайка — «ҚАРИНДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ» (11, 13, 15, 19.15); «ЕЛҒОН ҚАСАМ» (16.45, 21.00); «ВЛКСМ 30 йиллиги» — «МОВИЙ ҚЎЛТИҚ» (жуфт соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АЛДОҚЧИЛАР» (11, 15, 19.00); «ҚОРА ОНИНГ ЧИҚИШИ» (13, 17, 21.00).

Восток — «МОВИЙ ҚЎЛТИҚ» (10.30, 12, 14, 16, 18, 20.00).

К. Ерматов номи — «КАТТА САЙР» (11, 13.30, 16, 21.00).

Қозғоғистон — «ФИДОИИ» (11, 12, 13, 14, 15, 19.00); «ЕЛҒОН ҚАСАМ» (16, 20.00).

Диққат!

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

20, 21, 22, 23, 24 август кунлари СССР Экстрасенслар ассоциациясининг аъзоси

Абдурафиқ ГОҒУРОВНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИ ЎТҚАЗИЛАДИ.

А. Гоғуров жаҳонда биринчи бўлиб радио-телевидениеда жумҳуриятдаги беморларни узоқ масофадан туриб даволаган.

Кимда-ким ўзини ҳаста деб билса, қандай касаллиги бўлишидан қатъий назар шу дардлардан фориғ бўлишни истаса, даволаш сеансларига марҳамат қилсин.

Сеанслар соат 19.30 да бошланади. Касса соат 12.00 дан бошлаб ишлайди.

Тошкент шаҳар Куйбисhev районидagi С. Раҳимов номи 18-ўрта мактаб томонидан Башарев Николай Юрьевич номига берилган Д — 511002 номерли йўқолган.

Ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Байналмилалчи-жангчилар Ассоциацияси хузуридаги «Шўрав» ешлар хўжалик ҳисобидagi фирмасининг йўқолган.

ШТАМПИ ВА МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оқунбобоев номидаги Республика медицина билим юрти томонидан Набиева Мунаррах Адоровна номига берилган ГТ-1 266937 номерли йўқолган.

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидagi 249-ўрта мактаб томонидан Халилова Гулнора Рашидовна номига берилган 828-479 номерли йўқолган.

8-синфинг тугатилгани тўғрисидаги гувоҳнома БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريети, нинг Меҳнат Қизил Вайроқ ордени босмаханаси, Тошкент шаҳри. МАНИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32.53.76; хатлар — 33.29.70, 32.53.79; жамоатчилик қабулхонаси — 32.55.83. Янгишандан ташқари ҳар кун Ҳаёт ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.380 нускада чоп этилади. Индекс 64690. Д — 2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.